



ТАШАББУС, НАЗОРАТ ВА ҲАЁТИЙ ЕЧИМ

ЁХУД ХДП ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ЯРИМ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

Мамлакатимизда жадал суръатдаги иқтисодий-ижтимоий ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг фаоллиги, айниқса, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик корпусининг ташаббускорлиги жуда муҳим. Бугунги кунда ҳар бир депутат фақат қарор қабул қилувчи эмас, балки аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганивчи, давлат дастурлари ижросини назорат қилувчи, электорат манфаатларини ҳимояловчи халқ вакили сифатида майдонга чиқмоқда.

► (Давоми 4-бетда)



ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

МОЛИЯВИЙ ЖАРИМАНИ ЖОРИЙ ЭТИШ УЧУН ЖИДДИЙ АСОС КЕРАК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция йиғилиши кун тартибидagi ҳар бир қонун лойиҳаси депутатлар томонидан, аввало, ўз сайловчилари манфаатларидан келиб чиқиб, танқидий-таҳлилий муҳокамадан ўтади. Бу галги йиғилишда ҳам қонун лойиҳалари синчковлик билан кўриб чиқилди.

Ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, фуқароларнинг кўчмас мулк қурилишида маблағларининг йўқотилишига чек қўйиш, самарали назорат механизмларини жорий этиш мақсадида шаҳарсозлик талабларини қўпол равишда бузганлик учун молиявий санкциялар қўллашни назарда тутувчи қонун лойиҳаси атрофида кизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Дастлаб депутатимиз Зокиржон Зоҳидов қонун лойиҳаси тушунтириш хатида келтирилган статистик маълумотларга кўра, асосий жавобгарлик қурувчи ташкилотлар зиммасига юкланаётгани, қурилиш назоратига масъул идораларнинг бу борадаги вазифалари аниқ тушунтириб ўтилмагани ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

► (Давоми 2-бетда)

АКС-САДО

ҲАР БИР МАҲАЛЛА ФАРОВОНЛИГИ УЧУН АСТОЙДИЛ МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

Инсон учун энг азиз ва муқаддас туйғулардан бири — Ватанга муҳаббатдир. Ватанга бўлган муҳаббат эса, аввало, инсоннинг ўзи яшаб, улғайган кичик маскани — маҳалласидан бошланади. Шу маънода "Маҳалла – Ватан ичра мўъжаз Ватан!" деган ҳикматли ибора халқимизнинг ҳаёт тарзи ва миллий қадриятларини чуқур ифода этади.

► (Давоми 3-бетда)



САЛОМАТЛИК

ЖАЗИРАМА

ШУНЧАКИ
НОҚУЛАЙ
ОБ-ҲАВО
ЭМАС

7



ТАЪЛИМ

ЯНГИ АВЛОД МУҲАНДИСИ ШУ ЕРДА ШАКЛЛАНАДИ

БЕЛАРУСЬ – ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШМА ТАРМОҚЛАРАРО АМАЛИЙ ТЕХНИК КВАЛИФИКАЦИЯЛАР ИНСТИТУТИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИНИ ҚАНДАЙ ЯРАТМОҚДА?

Бугун жаҳон меҳнат бозори кескин ўзгармоқда. Сунъий интеллект, рақамли муҳандислик, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва юқори технологияларга асосланган саноат тармоқларининг жадал ривожланиши мутахассисларга нисбатан мутлақо янги талабларни илгари сурмоқда.

Янги Ўзбекистонда ҳам таълим тизимини ислох қилиш жараёнида амалий кўникмаларга таянган ҳолда ўқитиш, халқаро ҳамкорлик ва таълимни саноат билан узвий боғлаш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

► (Давоми 6-бетда)

ОЧИҚЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

ОЛТИ ОЙДА ЮРТИМИЗДАГИ МАҲАЛЛАЛАРНИНГ 64 ФОИЗИДА ЖИНОЯТ ЮЗ БЕРМАДИ

8

Бугунги кунда давлат тараққиётини баҳолаш мезонлари тубдан ўзгармоқда. Агар илгари мамлакатнинг қудрати асосан иқтисодий ўсиш суръатлари, ишлаб чиқариш ҳажми ёки инфратузилма салоҳияти билан белгиланган бўлса, ҳозирги даврда энг муҳим мезон инсоннинг ҳаёт сифати, ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланганлиги, муносиб турмуш кечириш имкониятларининг қай даражада яратилгани билан боғлиқдир. Зеро, давлатнинг ҳақиқий кучи унинг ўз фуқаросига бўлган муносабатида, инсон қадрини нечоғлик улуғлашида намоён бўлади.

► (Давоми 2-бетда)

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ



МОЛИЯВИЙ ЖАРИМАНИ ЖОРИЙ ЭТИШ УЧУН ЖИДДИЙ АСОС КЕРАК

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, фракция аъзоси Анвархон Темиров ноқонуний қурилиш аниқланган тақдирда, қурувчи ташкилотга молиявий жарималар қўллашдан келиб тушган маблағларнинг нега айнан 60 фоизи ваколатли ташкилотда қолиши кўзда тутилаётганига изоҳ сўради.

Қонун ижодкорлари ҳудудларда бош режалар ва замонавий рақамли платформаларни ишлаб чиқиш харажатлари катталиги, молиявий жарималардан тушадиган тушумнинг 60 фоизи аини шу мақсадларга сарфланиши ҳақида изоҳ беришди.

Яна бир депутатимиз Шарофиддин Назаров қонун лойиҳасининг тушунтириш хатида молиявий санкциялар ҳақида маълумот берилмагани, умуман, бу молиявий санкцияни қўллашга асос келтирилмаганини айтиб, масъулларга эътироз билдирди. Депутатнинг фикрича, молиявий санкцияларни қўллаш учун кучли асос бўлиши керак ва одатда молиявий санкциялар харажатларни қоплаш учун эмас, балки муносабатларни тартибга солиш учун қўлланилади. Қолаверса, бош режаларни ишлаб чиқишга ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга Давлат бюджетидан маблағ ажратилиши, лойиҳадаги аини меъёр давлат молиявий тизимига ҳам мос эмаслиги таъкидланди.

ЎЗХДП фракцияси аъзолари жарималарни жорий қилиш масаласига жиддий ёндашиш талаб этилиши ҳамда лойиҳанинг тушунтириш хатида молиявий санкцияни қўллаш асослари аниқ келтирилиши зарурлигига урғу беришди.

Йўғилиш давомида киберхавфсизликни таъминлаш ва ахборот технологияларидан фойдаланиш содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари, юридик шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ер участкаларига доир ҳуқуқларни тизимлаштириш, миграция соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, божхонага оид жиноятлар бўйича жазо чораларини мутаносиблик тамойилларига мувофиқлаштириш каби қонун лойиҳалари

муҳокама қилинди.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга қаратилган қонун лойиҳаси том маънода мазкур йўналишда муҳим аҳамият касб этади.

Сабаби ҳозирги кунда юртимизда кибержиноятларга қарши курашиш борасида ягона ишлаш амалиёти йўлга қўйилмаган. Ушбу йўналишда ҳар бир давлат органи ва ташкилотлар ўзларининг ички бўйруқ ва йўриқномалари орқали фаолиятини ташкил этиб келмоқда.

Яъни амалдаги қонунчиликда бу соҳани комплекс тартибга солувчи, масъул органларнинг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилловчи ҳамда шахс ва жамиятнинг кибермакондаги ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминловчи қонун мавжуд эмас.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ахборот хавфсизлиги ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, жиноятчиликнинг замонавий турларига қарши самарали курашиш ҳамда миллий қонунчиликни халқаро стандартларга уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Жараёнда мактабгача ва мактаб таълими вазирига юборилган миллий тарбия моделини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сўровига тақдим этган жавоби ҳам фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

Депутатлар кун тартибидан ўрин олган ҳар бир масалани фракция позицияси ва электротат манфаатлари нуқтаи назаридан муҳокамадан ўтказишди. Айрим қонун лойиҳалари бўйича ўзларининг тақлиф-тавсияларини билдирган бўлса, айримларига эътирозлар ҳам очик айтилди.

Фракция йўғилишида муҳокама қилинган қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлари электротат манфаатлари ва ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиққан ҳолда танқидий-таҳлилий баҳолашди. Депутатлар ҳар бир меъёр фуқаролар манфаатига хизмат қилиши ва ижтимоий самарадор бўлиши лозимлигини таъкидлашди.

Ўз мухбиримиз.

МУНОСАБАТ

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ – ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, хусусан, иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ижтимоий масалаларни бевосита маҳаллабай ҳал этишга қаратилган сиёсат ҳаётий самара бермоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларнинг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилаётганини эътироф этиш жоиз.

2026 йилнинг биринчи ярми якунлари ва йил охиригача бўлган вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йўғилишда илгари сурилган ташаббуслар, белгиланган вазифалар халқимиз, партиямиз электорати манфаатларига ҳамохангдир.

Йил бошидан буюн мамлакат иқтисодиёти 8,5 фоизга ўсгани юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг тўғри ва самарали кетаётганидан далолат беради. Бу кўрсаткич аҳоли фаровонлиги, янги иш ўринлари ва ижтимоий барқарорликнинг асосий гарови бўлмоқда.

Шу билан бирга, мажлисда қарийб 40 миллионлик аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш учун 9-10 фоизлик барқарор иқтисодий ўсиш зарурлиги таъкидланди. Ҳар йили меҳнат бозорига юз минглаб ёшлар кириб келаётгани ва аҳоли сони табиий кўпайиб бораётгани сабабли юқори ўсиш суръатлари талаб этилади. Бу янги ва муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларини яратиш, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ натижаларга бевосита таъсир қилади.

Глобал иқтисодий бекарорлик шароитида ҳудудларга тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилмани яхшилаш учун кўшимча маблағлар ажратилаётгани, маҳаллаларда иш ўринларини кўпайтиришга берилаётган эътибор партиямизнинг дастурий мақсадлари – кучли ижтимоий сиёсат ва адолат тамойилларига тўла мос келади.

Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик биғлашмалари қатор устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратади.

Иқтисодий ўсиш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш натижасида яратилаётган даромад манбаи кам даромадли, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга етиб бориши муҳимдир.

Бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг маҳаллаларда, олис ҳудудлардаги ижтимоий инфратузилма

(соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хизматлар) лойиҳаларига мақсадли ва самарали сарфланиши устидан қатъий депутатлик ҳамда жамоатчилик назорати кучайтирилади.

Инфратузилмани яхшилаш масаласига бежиз урғу берилмаяпти. Сабаби, инфратузилма ҳар қандай тараққиётга асос бўлади. Қайси маҳаллада инфратузилма яхши бўлса, ўша ҳудуд аҳолиси ислохотлардан рози, ҳаёт сифати юқори ва турмуши фаровонроқ эканлигига ҳудудларда аҳоли вакиллари билан ўтган учрашувларда амин бўляпмиз.

Энди бандлик тизими масъуллари эҳтиёжманд аҳолини ўқитиш, ишга жойлаштириш ва даромадини ошириш мақсадида ҳудудма-ҳудуд юради. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг асосий электорати бўлган эҳтиёжманд аҳоли қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур ташаббус алоҳида аҳамият касб этади. Ҳудудларда мазкур ташаббус ижросини ўрганиб, доимий таҳлил қилиб боришни ўзимизга вазифа қилиб олдик.

Бундан ташқари, ҳар бир ҳудудда ҳокимликларнинг ярим йиллик кўрсаткичлари, айниқса, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасидаги ишларини маҳаллий Кенгашлар сессияларида танқидий таҳлил қилиш, ижро органлари раҳбарларига депутатлик сўровлари юбориш орқали уларнинг масъулиятини кучайтириш муҳим.

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз банкларнинг маҳаллаларда аҳолига ажратаётган имтиёзли кредитлари ва бандлик лойиҳалари ҳақиқатан ҳам кам даромадли ва эҳтиёжманд оилаларга етиб боришини назоратга олади.

Партиямиз ташкилотлари, депутатларимиз жойларда гўшт, сут ва асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари асоссиэ ошиб кетмаслиги, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш бўйича берилган вазифаларнинг ижросини бевосита маҳаллаларда ўрганади.

Ҳар бир иқтисодий ислохот ва ўсиш суръати, энг аввало, оддий инсоннинг қадри, унинг оиласи ва маҳалласидаги фаровонлик билан ўлчанади. Дунёдаги мураккаб ва бекарор шароитда халқимизнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар бир фуқарога муносиб иш ва даромад манбаи яратиш давлат ва жамият олдидаги асосий стратегик вазифадир.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ЮКСАЛМОҚДА

сифатли таълим ва тиббий хизматдан фойдаланиш, меҳнат қилиш, ижтимоий ҳимояланиш каби ҳуқуқларни таъминлашни конституциявий даражага олиб чиқди. Энг муҳими, ижтимоий давлат тушунчаси инсонга фақат моддий ёрдам бериш эмас, балки унинг билим олиши, меҳнат қилиши, қобилиятини рўёбга чиқариши ва мустақил ҳаёт кечириши учун тенг имкониятлар яратишни англатади.

Сўнгги йилларда ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилган ислохотлар ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Илгариги ёндашув асосан нафақа ва моддий кўмак бериш билан чекланган бўлса, бугун инсонни оғир вазиятдан чиқариш билан бирга унинг иқтисодий фаолигини таъминлаш, касбга ўқитиш, тадбиркорликка жалб этиш ва ижтимоий хизматлар орқали мустақил ҳаёт кечириш имкониятларини кенгайтириш устувор вазифага айланди.

«Ягона ижтимоий ҳимоя реестри»нинг жорий этилиши, ижтимоий хизматларни рақамлаштириш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашнинг янги механизмлари ҳамда маҳалла даражасида ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимининг шакллантирилиши ижтимоий сиёсатнинг манзиллилиги ва шаффофлигини сезиларли даражада оширди. Президент ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этилиши эса соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш ва хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Инсон қадрини таъминлашнинг

муҳим кўрсаткичларидан бири — ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир. Бу борада инсонга ижтимоий ёрдам объекти сифатида эмас, балки тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга шахс сифатида муносабатда бўлиш тамойили қарор топмоқда. Инклюзив таълим, тиббий-ижтимоий реабилитация, инфратузилмани мослаштириш, маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар инсонпарвар давлат сиёсатининг амалий ифодасидир.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳам инсон қадрини юксалтиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Кейинги йилларда бирламчи тиббий ёрдамни ривожлантириш, оилавий шифокорлик тизимини такомиллаштириш, замонавий диагностика ва даволаш имкониятларини кенгайтириш, рақамли тиббиётни жорий этиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида сифатли тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга эришилмоқда.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам инсон капиталига йўналтирилган энг муҳим сармоядир. Мактабгача таълим қамровининг кенгайиши, умумий ўрта таълим сифатини ошириш, олий таълим имкониятларини кенгайтириш, хорижий университетлар филиалларининг очилиши,

ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган имтиёзлар мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат бозори ва давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, таййиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликнинг такомиллаштирилиши ҳам адолатли жамият барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шунингдек, болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мактабгача таълим қамровини кенгайтириш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда инклюзив таълимни ривожлантириш соҳасидаги ишлар мамлакатнинг келажагига қаратилган стратегик инвестициядир.

Бугун ижтимоий хизматлар тизими ҳам янги мазмун билан бойимоқда. Давлат инсон муаммосини фақат ҳал қилувчи эмас, балки унинг олдини олувчи ва имкониятларини кенгайтирувчи институт сифатида шаклланмоқда. Маҳаллаларда ижтимоий ходимлар фаолиятининг йўлга қўйилиши, оғир ҳаётий вазиятга тушган оилалар билан индивидуал ишлаш, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқа эҳтиёжманд аҳоли учун махсус хизматларни ташкил этиш ана шу ёндашувнинг амалий натижасидир.

Бу жараёнларда парламентнинг ўрни ҳам тобора ортиб бормоқда. Сенат томонидан ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш, болалар

ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш иншоҳларида қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан таъсирчан парламент назорати амалга оширилмоқда. Ҳудудларда аҳоли муурожаатларини ўрганиш ва улар асосида қонунчиликни такомиллаштириш амалиёти қонунларнинг ҳаёт билан уйғунлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий давлат тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам муносиб эътироф этилмоқда. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, болалар манфаатлари ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро институтлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистонда барча ислохотларнинг марказида инсон турибди. Ижтимоий давлат — бу фақат ижтимоий ёрдам кўрсатувчи эмас, балки инсоннинг билим олиши, меҳнат қилиши, соғлом яшаши, ўз қобилиятини рўёбга чиқариши ва муносиб ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитларни яратувчи давлатдир. Бу йўлда қабул қилинаётган қонунлар, ташкил этилаётган институтлар ва амалга оширилаётган дастурларнинг энг катта натижаси одамларнинг ҳаётида, уларнинг давлатга ва келажакка ишончи юксалишида намоён бўлади.



Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун қонунчиликни такомиллаштиришдан тортиб таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя, бандлик, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини таъминлашгача бўлган барча йўналишларда инсон манфаатлари давлат сиёсатининг бош мезони сифатида қаралмоқда.

Мен сенатор сифатида парламентдаги фаолиятим жараёнида яна бир ҳақиқатга амин бўлмоқдаман: қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг ҳақиқий қиймати унинг ҳуқуқий матни билан эмас, балки инсон ҳаётида қандай ижобий ўзгариш яратиши билан ўлчанмоқда. Қонуннинг ҳар бир фуқаро ҳаётида амалий самара беришини таъминлаш парламентнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми мустаҳкамланиши мамлакат тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди. Бу, аввало, давлатнинг инсон олдидаги масъулиятини янада кучайтирди ҳамда муносиб ҳаёт кечириш,

ҲАР БИР МАҲАЛЛА ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

астойдил меҳнат қиламиз



Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Қашқадарё вилоят
бошқармаси бошлиғи,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гүруҳи
раҳбари.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари раислигида ҳудуд ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили, шунингдек, йил якунига қадар устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда ҳам маҳалла тизимининг барқарорлигини, халқимиз ҳаётидаги аҳамиятини, имкониятларини ошириш бўйича қатор ташаббуслар, муҳим вазифалар белгиланди. Маҳаллага нисбатан бундай эътибор, изчил ва тизимли ёндашув ҳаммамизни қувонтиради, албатта.

Йиғилишда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янгича ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани, “Долзарб 40 кунлик” эълон қилиниб, 2 мингта энг оғир маҳаллада ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бошлангани халқимизнинг кўнглидаги ислохот бўлди. Ҳокимлар маҳаллаларда электр, газ, йўл ва сув масалаларини ўз вақтида ҳал қилишга шахсан жавобгар бўлиши қайд этилди. Бу масалаларнинг самарали ечим топишдан ҳар бир маҳалла манфаатдордир.

Шунингдек, йиғилишда бандлик тизими эҳтиёжманд аҳолини ўқитиш, ишга жойлаштириш ва даромадини ошириш бўйича ҳудудда-ҳудуд ишлаши белгиланди. Банклар ва маҳалла уюшмалари фаолияти ҳам қайта кўриб чиқилиши, кейинги уч ой улар учун амалий аттестация даври бўлиши айтилди. Энг муҳими, маҳаллаларда ободлик ва озодаликни юксалтириш йўналишларида аниқ вазифалар кўрсатиб ўтилди. Уларнинг ижросини таъминлаш жараёнларида астойдил иштирок

этиш, натижадорлик учун интилиш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Қайд этиш керакки, бугунги кунда маҳалла аҳоли билан давлат ўртасидаги муҳим кўприк вазифасини бажариб, инсонларнинг муаммоларини ўрганиш, уларга кўмаклашиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва оилалар фаровонлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда. Маҳаллаларда ҳар бир хонадоннинг ижтимоий аҳволини ўрганиш, аҳолининг эҳтиёж ва имкониятларини аниқлаш, уларга манзилли ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Камбағалликни қисқартириш фақат моддий ёрдам кўрсатиш эмас, балки инсонга ўз меҳнати билан муносиб даромад топиши учун имконият яратишни аниқлатади.

Мамлакатимизда бўлгани сингари Қашқадарё вилояти маҳаллаларида ҳам аҳолининг муаммоларини ўрганиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ободонлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, кам таъминланган оилаларга тиргак бўлиш каби хайрли ишлар маҳаллани инсон манфаатлари таъминланадиган, аҳолига энг яқин ва ишончли масканга айлантирмоқда. Хусусан, “хонадонбай” ва “маҳаллабай” ишлаш тизимининг йўлга қўйилиши натижасида ҳар бир оиланинг эҳтиёжи ва муаммоси индивидуал ўрганилмоқда. Ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, ўз бизнесини бошлаши учун кўмаклашиш каби чоралар орқали кўплаб янги имкониятлар яратилаяпти. Масалан, бир вақтлар ишсиз бўлган ёшлар ёки хотин-қизлар маҳалла кўмағи билан касб-ҳунар ўрганиб, тикувчилик, хунармандчилик, хизмат кўрсатиш соҳаларида ўз фаолиятини йўлга қўймоқда. Айрим оилаларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун шароит яратилгани боис улар нафақат ўз даромадини оширмоқда, балки бошқалар учун ҳам иш ўринлари яратмоқда. Масалан, биргина ўтган 6 ойда вилоятда ишсиз ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилган ишлар натижасида 3351 нафар йигит-қиз касб-ҳунарга ўқитилди. Натижада кўплаб хонадонларда кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти йўлга қўйилиб, оилаларнинг даромад манбаи кенгайди. Шунингдек, маҳалла кўмағи ва яратилган имкониятлар



туфайли 4629 нафар фуқаро тадбиркорлик фаолиятини бошлаш имконига эга бўлди. Минглаб оилалар хонадонбай меҳнат қилиш, томорқадан самарали фойдаланиш, хунармандчилик ва кичик бизнес йўналишларида ўз фаолиятини йўлга қўйди. Бу ташаббуслар натижасида 331065 та янги иш ўрни яратилди. Айниқса, ҳудудларда ташкил этилаётган касбга ўқитиш марказлари, “устоз-шогирд” аъъаналари асосидаги машғулотлар ҳамда тадбиркорликка йўналтирилган лойиҳалар хотин-қизларнинг ўз салоҳиятини намоён этишига кенг имкониятлар яратди. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш ва ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ишларида “Аёллар дафтари” тизими ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу тизим орқали маҳаллаларда ҳар бир аёлнинг ижтимоий аҳволи, эҳтиёжлари ва муаммолари ўрганилиб, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмоқда. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга нафақат моддий кўмак, балки ўз ҳаётини яхшилаши учун зарур бўлган амалий ёрдамлар, жумладан, ишсиз аёлларни касб-ҳунарга ўқитиш, уларни доимий ёки мавсумий иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун зарур шароитлар яратиш, имтиёзли имкониятлардан фойдаланишга кўмаклашиш каби ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда ушбу мақсадлар учун 414,6 млрд сўм маблағ сарфланди. Бунинг натижасида маҳаллалардаги 412448 нафар хотин-қизлар тикувчилик, пазандачилик, хунармандчилик ва майший хизмат кўрсатиш каби йўналишларда касб ўрганиб, ўз меҳнати орқали

даромад топиш имкониятига эга бўлди. Айрим аёллар эса ўз хонадонларида кичик ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, оиласи фаровонлигига ҳисса қўшиш билан бирга, бошқа фуқаролар учун ҳам иш ўринлари яратмоқда. Кечагина иш излаб юрган инсонлар бугун ўз меҳнати орқали оиласи фаровонлигига ҳисса қўшаётгани, бошқаларга ҳам кўмак бераётгани маҳалланинг жамият ҳаётидаги бекиёс ўрнини кўрсатади.

Қўллаб-қувватлаш ва кўмак натижасида бугунги кунда вилоятимиздаги 310 та маҳалла “Обод маҳалла”га айланган. Президент қарорлари асосида шу йил маҳаллада амалга ошириладиган лойиҳалар учун 464 млрд сўм маблағ республика ва маҳаллий бюджетдан ажратилган. Йил охирига қадар обод маҳаллаларимиз сони 436 тага етади. Маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан оксқолларимиз ва кўчабошлар иштирокида “жамоатчилик назоратини” ташкил қилганимиз.

Ўтган ҳафтада Президент раислигида маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янгича ташкил қилиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам маҳалла институтининг жамиятдаги мавқеини янада ошириш масалалари атрофича муҳокама этилган эди.

“Маҳалла еттилиги” аъзолари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, ҳар бир йўналиш бўйича натижадорликни ошириш, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар профилактика-сини кучайтириш, соғлом маънавий муҳитни шакллантириш ҳамда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш

юзасидан зарур кўрсатмалар берилди. Ҳар бир маҳаллада ислохотлар натижадорлигини доимий таҳлил қилиб бориш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда белгиланган чора-тадбирларни сифатли ва ўз муддатида амалга ошириш бўйича тегишли топшириқлар юклатилди.

Шунингдек, маҳаллалар ҳудудларини ободонлаштириш, ички йўллар, йўлаклар ва ариқ-зовурларни тартибга келтириш, кўча ва жамоат жойларини тозалаш, ҳашарлар ташкил этиш ҳамда санитария-озодалик ишларини юқори савияда амалга ошириш мақсадида “Маҳалла ободлиги ва меҳр-саховат ойлуги”ни ўтказиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди. Эҳтиёжманд, кекса ва ногиронлиги бўлган фуқаролар, ёлғиз яшовчи шахслар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга амалий моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш, саховат ва хайрия тадбирларини кенг қамровда ташкил этиш, маҳаллаларда ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Халқимизнинг маънавий таянчи, миллий қадриятларимиз бешиги ва аҳиллик тимсоли бўлган маҳаллани янада ривожлантириш борасида бор кучимизни сафарбар этиб, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра ғайрат, шижоат ва садоқат билан ишлашимиз керак.

Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида барчамиз бирлашиб, олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришамиз ва, албатта, маҳаллани инсон қадрини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим ижтимоий масканга айлантирамиз!



Шохрух ЎКТАМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят
кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси ҳузуридаги
Ёшлар парламенти раиси
ўринбосари.

Бугун интеллектуал салоҳият, инновациялар яратиш, стратегик фикрлайдиган, рақобатбардош кадрларни тарбиялаш ҳар бир давлатнинг келажагини белгилаб берувчи, ҳал қилувчи мезон сифатида намоён бўлмоқда.

15 июль кuni давлат раҳбари ҳузурида ўтказилган иқтидорли бошқарувчилар, лидерлар ва янги авлод раҳбарларини аниқлаш ва танлаш ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларига доир тақдимот ҳам шу жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон интеллектуал салоҳият ва юқори технологияларга асосланган янги ривожланиш босқичига ўтмоқда. Мамлакатимизга ҳар йили 50 миллиард доллардан зиёд инвестиция кириб келмоқда, экспорт ҳажми 40 миллиард долларга яқинлашмоқда, замонавий корхоналар ишга туширилмоқда. Бундай шароитда профессионал давлат хизмати

МАМЛАКАТНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ

билимли ва салоҳиятли ёшларга боғлиқ

ва рақобатбардош иқтисодиёт учун зарур кадрларни олдиндан тайёрлаш ҳаётий заруратдир.

Тақдимотда сўнгги йилларда давлат бошқарувида кадрларни танлаш ва баҳолаш тизими изчил рақамлаштирилгани, илк бор 87,7 минг нафар давлат хизматчисининг ягона электрон маълумотлар базаси шакллантирилгани эътироф этилди. Давлат хизматига қабул қилиш очик танлов асосида, номзодларнинг билим ва кўникмаларини инсон омилсиз баҳолаш орқали амалга оширилаётгани ижобий ўзгаришлардан саналади.

Шу билан бирга бугунги кунда кадрларни баҳолашда эскича ёндашувлардан воз кечиб, номзоднинг билими, касбий тажрибаси, психологик хусусиятлари, стратегик фикрлаши ва лидерлик қобилиятини қамраб оладиган портфолио тизимига ўтиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Тақдимотда айни масалага эътибор қаратилгани яқин вақт ичида раҳбар кадрлар тайёрлашда янада адолатли рақобат муҳити қарор топишидан, ҳар бир иқтидорли ёшга ўз салоҳиятини намоён этиши учун имкониятлар кенгайишидан мужда беради.

Бугун давлат бошқарувига сунъий интеллект, катта маълумотлар таҳлили ва рақамли платформаларнинг жорий этилиши келажақ раҳбарларидан ҳам мутлақо янги компетенцияларни талаб қилмоқда.

Мен ёшлар билан ишлаш тизимида ва жамият бошқаруви соҳасида орттирган тажрибамдан яхши биламанки, ёшларга ишонч билдирилган жойда ташаббус, янгилик ва натижа бўлади.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятининг янада такомиллаштирилаётгани ҳам юртимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. Энг нуфузли хорижий университетларда тахсил олган ёшларнинг билим ва тажрибасини мамлакат тараққиётига йўналтириш Янги Ўзбекистоннинг узок муддатли рақобатбардошлиги учун мустаҳкам замин яратади.

Замонавий дунёда дипломнинг ўзи етарли ҳисобланмайди. Ёш мутахассис ўз салоҳиятини рақамли платформалар, халқаро лойиҳалар, илмий тадқиқотлар ва профессионал ҳамжамиятлардаги фаоллиги орқали намоён этади.

Қувонарлиси, бугун ўзбек ёшлари ҳам ана шу янги муҳитнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Улар дунёнинг етакчи университетларида тахсил олиш, нуфузли компанияларда стажировка ўташ, халқаро танлов ва форумларда иштирок этиш билан бир қаторда, ўз профессионал брендини ҳам шакллантиришга катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, LinkedIn каби халқаро профессионал платформалар орқали ёшлар ўзининг резюмеи, амалий лойиҳалари, илмий ишлари ва эришган натижаларини жаҳон меҳнат бозорига тақдим этмоқда. Натижада улар халқаро ташкилотлар, компаниялар ва илмий марказларнинг эътиборини қозониб, нуфузли дастурлар ва лойиҳаларга жалб этилмоқда.

Президентимиз томонидан таклиф этилган миллий кадрлар захираси, “ТОР-100” танлови, рақамли портфолио ва

сунъий интеллект асосида кадрларни баҳолаш тизими айнан шу глобал ўзгаришларга ҳамоханг ёндашувдир. Чунки бугунги раҳбар нафақат маҳаллий муаммоларни ҳал қила олиши, балки халқаро тажрибани ўрганадиган, замонавий технологиялардан фойдаланадиган ва мамлакат манфаатларини глобал майдонда муносиб ҳимоя қила оладиган шахс бўлиши лозим.

Миллий кадрлар захирасини шакллантиришда хориждаги ватандошлар, шунингдек, дунёнинг энг нуфузли 100 та университетини тамомлаган ва уларда тахсил олаётган ёшлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳам ғоятда муҳим. Шу маънода 2026 йил 1 октябрдан career.edu.uz платформасида “Хориждаги талабалар” модулини ишга тушириш режалаштирилаётгани, у орқали чет элда таълим олаётган ёшлар давлат идоралари ва хусусий корхоналарга бириктирилиши ҳамда келгусида ишга жалб қилиниши, албатта, ўзининг амалий натижасини беради.

Янги Ўзбекистон келажаги билимли, ватанпарвар, ташаббускор ва масъулиятли кадрлар қўли билан барпо этилади. Бу ишончни оқлаш эса тинмай ўқиш, ўз устида ишлаш, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаш ҳамда халқ манфаатига садоқат билан хизмат қилиш орқали намоён бўлади. Агар бугун иқтидорли йигит-қизларга янада кенг йўл очилса, адолатли саралаш тизими орқали муносиб кадрлар лавозимларга келса, юртимиз нафақат минтақада, балки жаҳон миқёсида рақобатбардош давлат сифатида янада юксак марраларни забт этади.

ТАШАББУС, НАЗОРАТ ВА ҲАЁТИЙ ЕЧИМ

ЁХУД ХДП ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ЯРИМ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИГА НАЗАР



Мавжуда ҲАСАНОВА,
Ўзбекистон Халқ демократик
партияси Марказий Кенгаши
бошқарма бошлиғи.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ўзининг асосий сиёсий ғояси — ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, инсон манфаатларини устувор кадрият сифатида қарор топтириш мақсадида келиб чиққан ҳолда 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида кенг кўламли амалий ишлар олиб борди.

Партиянинг 2024–2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, аҳоли бандлигини таъминлаш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш каби энг долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидламоқ ўринлидир.

Шундай қилиб, ҳисобот даврида юқорида келтирилган йўналишлар бўйича 884 та устувор вазифа белгиланиб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида партия депутатлари томонидан тизимли парламент ва депутатлик назорати йўлга қўйилди. Ушбу рақамнинг ўзиёқ партия фаолияти алоҳида акциялар ёки қисқа муддатли тадбирларга эмас, балки аниқ режалаштирилган дастурий вазифаларга асосланганини кўрсатади.

АМАЛИЙ ДАСТУР

Партиянинг Ҳаракат дастури нафақат сиёсий ҳужжат, балки ҳар бир депутатнинг кундалик фаолияти учун амалий йўриқнома вазифасини ҳам бажармоқда. Дастурда белгиланган ҳар бир вазифа аҳолининг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган.

Қолаверса, ижтимоий соҳага доир қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, давлат дастурлари жойларда қандай бажарилаётганини ўрганиш, камчиликларни аниқлаш, таъсирчан жамоатчилик ва депутатлик назоратини олиб боришда ХДП вакиллари сезиларли фаолиятининг очиклиги ошди. Иккинчидан, аҳолини қийнаётган муаммолар юзасидан раҳбарларнинг шахсий масъулияти кучайди. Учунчидан, маҳаллий Кенгашлар сессиялари формал йиғилишдан ҳақиқий муҳокама майдониغا айлана бошлади.

Шу билан бирга, партиянинг Ҳаракат дастури ижроси юзасидан республика бўйлаб 440 та масала партия гуруҳларида муҳокама қилинди. 300 дан ошди масала доимий комиссиялар йиғилишида, қарийб 300 та масала маҳаллий Кенгашлар сессияларида кўриб чиқилди.

Бу рақамлар депутатларимиз фаолияти жонланаётганини яққол исботлайди. Чунки ҳар бир масала аҳоли манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул

қилинишига эришилганки, бунинг ортида кўплаб хайрли ўзгаришлар ҳаётий тасдиғини топгани шубҳасиз.

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, партия депутатлари ташаббускорлиги тўртта асосий йўналишда амалий натижасини кўрсатмоқда.

Биринчи йўналиш камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўлиб, бу борада партия депутатлари "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури ижросини доимий назоратга олганлар. Ҳисобот давомида мазкур йўналишга доир 144 та масала партия гуруҳларида, 126 таси доимий комиссияларда, 97 таси маҳаллий Кенгашлар сессияларида кўриб чиқилгани бунинг далили.

Иккинчи йўналиш — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва тиббий хизматлар сифатини ошириш билан боғлиқ 107 та масала партия гуруҳларида ҳар тарафлама ўрганилган. Оналик ва болалик муҳофазаси, репродуктив саломатлик, эҳтиёжманд қатлам вакиллари арзон дори воситалари билан таъминлаш, ижтимоий хизматларни маҳалла даражасида ташкил этиш юзасидан қатор амалий қарорлар қабул қилинган.

Таълим соҳасини қўллаб-қувватлаш, инчунун, инклюзив таълимни ривожлантириш, мактабгача таълим қамровини кенгайтириш, ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учинчи йўналиш бўлса, кейинги йўналиш — аҳолининг турмуш сифатига бевосита таъсир қилувчи коммунал хизматлар, ичимлик суви, энергия таъминоти ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида оддий одамларни қийнаб келаётган муаммоларга ечим топиш ҳам депутатларимизнинг диққат марказида эканини қайд этмоқ керак.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТДА ЯНГИ ФОРМАТ

Сиёсий партиянинг кучини парламентдаги ўринлар сони эмас, балки халқ орасидаги нуфузи белгилайди. Ана шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан амалга оширилаётган "Депутат – маҳаллада" лойиҳаси депутатларнинг электорат билан доимий мулоқотини таъминлаётган энг самарали механизмлардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Авваллари депутат фаолияти асосан қабулхоналар ёки маҳаллий Кенгаш сессиялари билан боғланиб келган бўлса, бугунги кунда партия мутлақо бошқача иш услубини

“

УМУМАН ОЛГАНДА, ЯРИМ ЙИЛЛИК НАТИЖАЛАР САРҲИСОБИ ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ЎЗ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ЧУҚУР ҲИС ҚИЛИБ, ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ ҲАМДА ТАШАББУСКОРИ БЎЛИШГА ИНТИЛАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ. УЛАР ПАРТИЯМИЗНИНГ АСОСИЙ ҒОЯСИ — ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ, ИНСОН ҚАДРИ ВА АҲОЛИНИНГ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА ИЗЧИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛАЁТГАНИ АЙНИ ҲАҚИҚАТ.

шакллантирмоқда. Яъни депутатларимиз жойлардаги муаммоларни маҳаллаларга бориб, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш асносида аниқламоқда, ўрганоқда, ҳал этмоқда.

“Депутат – маҳаллада” лойиҳаси доирасида ўтган ярим йил ичида республика бўйлаб 5 мингдан ортиқ сайёр қабуллар, очик мулоқотлар ва маҳаллабай



учрашувлар ташкил этилди. Бу тадбирларда қарийб 300 минг нафар аҳоли иштирок этди.

Шунинг баробарида 3 мингдан зиёд ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кам таъминланган фуқаролар хонадонларига ташриф буюрилди. "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган яна 3 мингдан ортиқ оиланинг ижтимоий аҳволи қайта ўрганилди.

Очик мулоқотларда аҳолидан 4 мингдан ортиқ мурожаат ва таклифлар келиб тушди. Эътиборли жиҳати шундаки, депутатлар ҳар бир мурожаатни расмий хат сифатида эмас, балки муайян инсон тақдири билан боғлиқ масала сифатида қабул қилдилар. Натижада мурожаатларнинг қарийб 90 фоизи депутатлик назоратига олинди. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига депутатлик сўровлари юборилди.

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ – ИШОНЧ МАНЗИЛИ

Партиянинг Жамоатчилик қабулхоналари ҳам аҳоли билан мулоқотнинг самарали институтига айланмоқда. Биргина жорий йилнинг дастлабки беш ойида ушбу қабулхоналарга электоратимиздан 4 минг 976 та мурожаат келиб тушгани, уларнинг 4 минг 427 таси (88 фоизи) ижобий ҳал қилингани фикримизни тасдиқлайди.

Мурожаатлар соҳалар кесимида ўрганилганида коммунал хизматлар, иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, ижтимоий объектлар қурилиши, йўл ва транспорт, банк кредитлари ҳамда таълим соҳасида электоратимиз қатор муаммоларга дуч келаётгани ойдинлашди.

Демакки, ижтимоий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш йўлида янада фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиш партияимизнинг ҳар бир депутати учун дастуруламал бўлмоғи керак.

ХУДУДЛАР КЕСИМИДА ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАР КУЗАТИЛДИ?

Ҳисобот даврида бир қатор ҳудудларда партия гуруҳлари фаолиятида эътирофга лойиқ натижаларни кузатдик. Жумладан, Андижон вилоятининг Пахтабод, Қўрғонтепа ва Бўстон туманлари, Самарқанд вилояти кенгаши, Иштихон ва Пахтачи туманлари, Қашқадарё вилояти кенгаши, Қарши шаҳри, Касби, Миришкор ва Нишон туманлари, Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳри ҳамда Бағдод тумани, Навоий вилояти кенгаши ва Зарафшон шаҳрида депутатлик назорати тизимли йўлга қўйилди.

Бу ҳудудларда давлат дастурлари ижроси бўйича мунтазам ўрганишлар ташкил этилган, жамоатчилик эшитувлари белгиланган тартибда ўтказиб келинган, ижро

ҳокимияти ҳисоботлари танқидий муҳокама қилинган, пировардида ўша ерлик аҳоли учун муҳим бўлган қатор муаммоларга ечим топилгани диққатга сазовор.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР – ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Шу йилнинг биринчи ярмида ЎзХДП фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар биргаликда жойларда қатор долзарб масалаларни ўрганди. Мисол учун, Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида аёллар орасида онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш тизими таҳлил қилинди.

Жиззах ва Фарғона вилоятларида огир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ҳамда эҳтиёжманд оилаларга арзон уй-жой ажратилиши, Фарғона вилоятида мактабларни ичимлик суви билан таъминлаш ва санитария ҳолати, Андижонда олий маълумотли ёшларнинг бандлиги масалалари ўрганилди.

Қашқадарё вилоятида камбағалликни қисқартириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси “элакдан ўтказилган” бўлса, Сурхондарё вилоятида тиббий хизматлар сифати ва соғлиқни сақлаш тизими бўйича жамоатчилик эшитувлари партияимиз учун келгусидаги аниқ вазифаларни белгилаб олишга тўртки берди.

Бундан ташқари, партия фракцияси ва маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигида 5 та қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинди. Муҳокамалар давомида 100 дан ортиқ таклиф билдирилди. Эътиборлиси, уларнинг 20 дан зиёди кейинчалик қонунларни такомиллаштириш жараёнида инобатга олинди. Бу эса ХДП депутатлари қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам фаол иштирок этаётганига ёрқин мисолдир.

СУСТКАШЛИК ҲАМ БОР

Депутатларимиз фаолиятига ҳолисона баҳо бериш эришилган натижалар билан бир қаторда мавжуд камчиликларни ҳам очик тан олишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан ҳудудлардаги вакилларимиз ишида ютуқлар билан бирга айрим ҳолларда камчиликларга ҳам йўл қўйилганини тан олмақ лозим. Чунончи, айрим ҳудудларда Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларга дахлдор қатор масалалар маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига киритилишида жиддий номувофиқлик ва сустрасилик ҳолатлари кузатилган. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 1 тадан,

Навоийда 2 та, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 5 тадан, Андижон вилоятида 6 та, Тошкент шаҳрида 7 та, Наманганда 9 та, Сурхондарё вилоятида 11 та, Самарқанд вилоятида 12 та, Тошкент вилоятида 15 та, жами 68 та туман ва шаҳарлар Кенгашлари ярим йил давомида умуман сессияга масала киритмаганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида минтақавий партия кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари Ҳаракат дастурининг мазмун-моҳиятини тўлиқ идрок этмаётгани натижасида аҳолини қийнаб келаётган баъзи муаммолар ечимсиз қолаётганини аниқлатади.

Ҳудудларни ривожлантириш дастуруларининг лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича тақдим этилган таклифлар сони ва уларнинг муҳокамаси ҳам етарли даражада эмас. 35 марта ижро ҳокимияти ҳисоботлари эшитилганига қарамай, улар юзасидан аниқ натижалар кузатилмаган. 258 та депутатлик сўровидан 82 тасига (32%) халигача жавоб қайтарилмагани жойлардаги вакилларимиз қонунчиликда берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланмаётганини кўрсатади.

ТАШАББУСКОРЛИКНИ ОШИРИШ КЕРАК

Бугунги кунда маҳаллий Кенгаш депутатидан нафақат ижро ҳокимияти ҳисоботини эшитиш, балки ташаббус билан чиқиш ҳам талаб қилинмоқда.

Таассуфки, айрим депутатлар аҳолини ўйлантираётган муҳим масалалар юзасидан ўз позициясини етарлича илгари сурмаётганидан ҳам кўз юмолмаймиз. Ҳолбуки, қонунчилигимиз депутатга жуда катта имкониятлар беради. У маҳаллий дастурларга ўзгартиш киритиш ташаббуси билан чиқиши, бюджет маблағларини аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб қайта тақсимлашни таклиф қилиши, ижро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан назорат ўрнатиши мумкин. Шунга кўра партияимизнинг келгуси фаолияти айнан депутат ташаббускорлигини ошириш билан қамбарчас боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Умуман олганда, ярим йиллик натижалар сарҳисоби депутатларимиз ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб, халқпарвар сиёсатнинг фаол иштирокчиси ҳамда ташаббускор бўлишга интилаётганидан далолат беради. Улар партияимизнинг асосий ғояси — ижтимоий адолат, инсон қадри ва аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини таъминлаш йўлида изчил ҳаракат қилаётгани аини ҳақиқат. Зеро, халқ дарди билан яшайдиган, сайловчилар ишончини оқлашни ўзининг бош мақсади деб биладиган депутатларимиз бор экан, партиянинг дастурий ғоялари ҳам ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топаверади.

СЎРОВ, ЖАВОБ, НАТИЖА

МУАММОНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ

Фуқароларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишда депутатлик сўрови муҳим ҳуқуқий механизм ҳисобланади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлари депутатлик сўрови институти орқали аҳолини безовта қилаётган долзарб муаммоларни тегишли давлат органлари эътиборига ҳавола этиб, уларнинг ижобий ҳал этилиши устидан тизимли назоратни амалга оширмоқда.

Бунинг далили сифатида жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари томонидан 2 минг 547 та депутатлик сўрови юборилганини келтириш мумкин. Уларнинг 1 минг 773 таси ёки қарийб 69 фоизи ижобий ҳал этилган. Бу рақамлар депутатлик сўрови институти аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда амалий натижа бераётганини исботлайди.

Таҳлиллардан маълум бўлмоқдаки, депутатлик сўровларининг асосий қисми аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, ижтимоий нафақалар тайинлаш, бандлик, тиббий хизматлар сифати, таълим муассасаларидаги муаммолар ҳамда уй-жой шароитини яхшилаш каби ҳаётий муҳим масалаларга тўғри келмоқда. Бу эса партия

депутатлари, энг аввало, одамларнинг кундалик ҳаётига дахлдор муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратаётганини англатади.

Буни аниқ мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Халқ депутатлари Қибрай туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутати Гулнора Тўхтаназарова ҳудуд аҳолисидан келиб тушган мурожаатлар асосида туман электр таъминоти корхонаси раҳбарига депутатлик сўровини юборди. Сўров ижроси доирасида “Ҳосилдор” маҳалласидаги “Себзор” кўчасида 15 та янги бетон электр таянч устунни ўрнатилди. Натижада электр таъминоти тизими мустаҳкамланиб, аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифати яхшиланди.

Яна бир мисол. Халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП

депутати Санжар Собиржонов “Беғубор” маҳалласида жойлашган 173-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини ўрганди. Ўрганиш жараёнида муассаса биносидаги дераза ва эшик ромлари эскиргани, айрим қисмлари техник талабларга жавоб бермаслиги аниқланди. Бу ҳолат куз-қиш мавсумида хоналарда иссиқликни сақлаш ва тарбияланувчилар учун хавфсиз муҳит яратишга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги қайд этилди.

Шундан сўнг Юнусобод туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимига депутатлик сўрови юборилиб, мутахассислар иштирокида техник ҳолатни ўрганиш, эскирган дераза ва эшик ромларини таъмирлаш ёки алмаштириш бўйича зарур чораларни кўриш таклиф этилди. Айни пайтда мазкур масала депутатлик назоратида турибди.

Шуниси аҳамиятлики, ХДП депутатлари фаолиятида бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин. Айни фактнинг ўзиёқ депутатлик сўрови оддий расмий ҳужжат эмас, балки аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан воситаси эканини кўрсатади. Муҳими, сўров юбориш билан иш тугамайди. Партия депутатлари ижрони мунтазам



назорат қилиб, муаммоларнинг амалий ҳал этилишига эришмоқда.

Депутатлик назорати орқали жойларда коммунал хизматлар сифати яхшиланмоқда, ижтимоий объектлардаги камчиликлар бартараф этилмоқда, аҳоли мурожаатлари ўз ечимини топмоқда. Бу эса Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатларининг одамлар манфаатларини таъминлаш, жойлардаги муаммоларни ҳал этиш ва давлат органлари масъулиятини ошириш борасидаги фаолияти изчил давом этаётганини яққол кўрсатади.

Ҳар бир сўров — муаммога эътибор, ҳар бир жавоб — масъулият, ҳар бир натижа эса фуқаролар ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ана шу тамойил депутатларимиз фаолиятининг мазмуни ва самарадорлигини белгилаб бермоқда.

Ўз мухбиримиз.

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ ОРҚАЛИ ЖОЙЛАРДА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА, ИЖТИМОЙ ОБЪЕКТЛАРДАГИ КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА, АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА.

ПАРТИЯМИЗ ФАХРИЙЛАРИ



ЭЗГУ ИШЛАР БОШИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марғилон шаҳар ташкилотининг тўрт мингдан ортиқ аъзолари мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга, халқ турмуш фаровонлигини ошириш учун муносиб улۇш қўшишга қатъий бел боғлаганлар. Улар орасида бутун умрини шу эзгу мақсад йўлида бахшида этган фахрийлар ҳам бор. Узоқ йиллар халқ саломатлиги йўлида меҳнат қилган, нафақага чиққач, “Нуроний” жамғармаси Марғилон шаҳар бўлинимаси раиси сифатида кўп хайрли ишларнинг бошини тутган Турғунбой Нишонов улардан бири.

У бир неча қақриқ халқ депутатлари Фарғона вилоят ва Марғилон шаҳар Кенгашларига депутат этиб сайланган. Айниқса, кейинги йилларда халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгаши 27-Надирмат сайлов округидан сайланган депутат сифатида олиб борган ишлари ҳалигача кўпчиликнинг ёдидан чиққани йўқ. Унинг саъй-ҳаракати билан ҳудуддаги йўллар яхшиланди, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари кўпайди. Янги иш ўринлари яратилиб, камбағалликни тугатиш мақсадида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш ишлари кенг кўламда амалга оширилди.

Унинг бевоСИта талаби ва аралашуви билан маҳаллада замонавий типдаги трансформатор ҳамда кўча бўйларига 200 дан ортиқ темир-бетон устунлари ўрнатилиб, электр таъминотидаги узилишлар барҳам топди. Олти километрга яқин масофадаги тоза ичимлик суви қувурлари янгиланди. Маҳалла марказида бўш турган бинода косибчилик корхонаси ташкил этилгани натижасида 22 нафар ёшлар бандлиги таъминланди.

Турғунбой Нишонов ЎзХДП бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, ёшлар билан ишлаш, партия аъзолигига қабул, турли танлов, акцияларни ўтказишда асосий жонқуярлардан ҳисобланади. ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан ногиронлиги бор ёшларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш ва партия ғояларини рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган “Орзулар дунёси” номли ижодий акцияда бош-қош бўлган бўлса, партия Сайловолди дастури ҳамда Ҳаракат дастурининг 2026 йилга мўжалланган Устувор вазифалари доирасида “Қувонч ва меҳр улашайлик” акциясида ҳам эҳтиёжманд инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам кўрсатиш ва ҳаётларига қувонч олиб кириш ишларида фаоллик кўрсатди.

Бугун ҳам Турғунбой Нишонов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марғилон шаҳар ташкилотининг фаоллари сафида. Катта ҳаёт мактабини босиб ўтган партияимиз фахрийси ёшларга ўрнак бўлишдан чарчамайди. Унинг фикрича, миллатнинг келажаги миллий қадриятларга ҳурмат, меҳр-оқибат ва инсонпарварлик тамойилларига содиқлик билан боғлиқ. Ана шу эзгу қарашлар унинг бутун ҳаёти ва фаолиятининг мазмунига айланган.

Шаксиз, халқ хизматиға умрини бағишлаган бундай фахрийларимиз жамиятимизнинг энг катта бойлиги ҳисобланади.

Рўзимухаммад УМРЗОҚОВ, Бурҳонуддин Марғинович халқаро жамғармаси раёсат аъзоси.

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Жиззах:

АҲОЛИ ҚАНДАЙ МУАММОЛАРНИ КЎТАРДИ?

Партиямиз Жиззах вилоят кенгаши раиси Нуриддин Холматов Зомин тумани “Истиқлол” маҳалласида бўлиб, аҳоли вакиллари билан очик мулоқот ўтказди.

Аҳоли томонидан ичимлик суви таъминотини яхшилаш, даволаниш билан боғлиқ масалалар, электр тармоқларидаги эскирган сим ва ёғоч устунларни алмаштириш, ички йўлларни шағаллаштириш ҳамда сел йўлларини тозалаш бўйича мурожаатлар билдирилди.

Ҳар бир мурожаат тегишли тартибда кўриб чиқиш учун масъул ташкилотларга йўналтирилди. Учрашув давомида фуқароларнинг муаммолари ва таклифлари тингланиб, уларни ҳал этиш юзасидан масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чоралар кўриш белгиланди.

Бундай очик мулоқотлар аҳолининг муаммоларини жойида ўрганиш, уларни манзилли ҳал этиш, шунингдек, фуқароларнинг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳудудларни янада обод этишга хизмат қилади.



Тошкент шаҳри:

ДЕПУТАТ НАЗОРАТИГА ОЛИНДИ

Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгашидаги депутатимиз Донохон Маҳмудовага туманнинг “Чарх Камолон-2” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаролардан мурожаат келиб тушди. Мурожаатда маҳалладаги 3-ва 4-сонли кўп қаватли уйлар оралиғида жойлашган болалар ўйингоҳи қониқарсиз ҳолатда экани айтилган.

Депутатимиз мавжуд ҳолатни ўрганиб, ҳудуддаги болалар ўйингоҳи узоқ йиллардан буён мукаммал таъмирланмагани, ўйин жиҳозларининг эскириб, техник ва санитария талабларига жавоб бермаслиги, айрим қурилмалар фойдаланиш учун хавfli ҳолатга келиб қолганига амин бўлди.

Юртимизда болалар ва ёшлар учун хавфсиз, замонавий ҳамда қулай дам олиш ва спорт инфратузилмасини яратиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу боис мазкур муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида болалар ўйингоҳини реконструкция қилиш, замонавий талаблар асосида таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга депутатлик сўрови юборилиши белгиланди.

Мазкур масала депутат томонидан алоҳида назоратга олинди.



Бухоро:

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Партиямиз Бухоро вилояти кенгаши ташаббуси билан “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати: амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва истиқболдаги вазифалар” мавзуида жамоатчилик эшитувини ўтказилди.

Мулоқотда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва қамровини ошириш, бирамчи тиббий хизмат самарадорлигини юксалтириш, соҳадаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Эшитувда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбари томонидан жисмоний имконияти чекланган ҳамда бошқа айрим тоифадаги фуқароларни имтиёзли асосда дори-дармон воситалари ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш ҳолати, бу борада амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил ахборот берилди.

Жамоатчилик эшитувини якунида партиямиз Бухоро вилоят кенгаши раиси Зулфия Тўйева соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолини сифатли ва манзилли тиббий хизмат ҳамда имтиёзли дори воситалари билан таъминлаш масалалари бундан буён ҳам партиянинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолишини таъкидлади.

Сурхондарё:

БОҒЧА ТАЪМИРГА МУҲТОЖ

Партиямиз Шўрчи туман кенгаши раиси Д.Бекмуродов тумандаги 19-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида ўрганиш олиб борди.

Бугунги кунда муассасада 100 нафар бола тарбияланмоқда. Депутат ўрганиш давомида бир қатор муаммоларни аниқлади. Жумладан, 1974 йилда қурилган бино бугунги кунда тўлиқ жорий таъмирга муҳтож. Муассасани ўраб турган ташқи деворлар яроқсиз ҳолатга келиб қолган бўлиб, уларни капитал таъмирлаш талаб этилади. Бундан ташқари, муассаса ҳудудидаги 4 дона ёғоч электр устунини авария ҳолатида бўлиб, уларга яроқсиз электр симлари тортилган. Ёнгин хавфсизлиги бурчаги ҳамда тасдиқланган эвакуация схемаси мавжуд эмас.

Шунингдек, дезинфекция ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган махсус воситалар йўқ. Болалар ўйин майдончалари белгиланган талабларга жавоб бермайди. Муассаса ҳудудида етарли ер майдони мавжуд бўлишига қарамасдан, хавфсиз ўйин майдончаси ташкил этилмаган. Депутатимиз аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун масъул идора ва ташкилотлар билан боғланиб, масалага ижобий ечим топишга бел боғлади.



ВАЗИР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент давлат тиббиёт университети олимлари соғлиқни сақлаш вазири билан учрашди. Учрашувда тиббиёт илмини амалиёт билан боғлаш, таълим сифатини ошириш, илмий салоҳиятни кучайтириш ҳамда мураккаб касалликларга қарши курашиш масалалари муҳокама этилди.

Учрашувда республикамизнинг таниқли профессор-ўқитувчилари, илмий мактаблар раҳбарлари ва тиббиёт олимлари соҳани янада ривожлантиришга қаратилган қатор стратегик таклифларни илгари сурдилар.

Муҳокамаларда илмий салоҳиятни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Олимлар PhD тайёрлаш мезонлари мавжуд бўлса-да, фан доктори (DSc) илмий даражасига тайёрлаш бўйича ягона мезон ва қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, монография яратган олимларни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш, илмий тадқиқот мавзуларининг долзарблиги ва амалий аҳамиятини баҳолаш тизимини кучайтириш таклиф этилди.

Тиббий таълим сифати ҳам учрашувнинг асосий мавзуларидан бири бўлди. Профессор-ўқитувчилар олий таълим муассасаларида мониторинг, аудит ва KPI тизимини ягона мезонлар асосида йўлга қўйиш, баҳолашнинг шаффоф ва адолатли

ИЛМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ – СОҶА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ



механизмларини жорий қилиш зарурлигини қайд этдилар. Шунингдек, ягона миллий онлайн таълим платформасини яратиш ва уни Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги тизими билан интеграция қилиш таклифи илгари сурилди.

Соҳадаги энг долзарб масалалардан бири сифатида профилактик тиббиёт масалалари ҳам кўтарилди. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Саидмуродхон Муртазаев мактабларда стоматология кабинетларини

қайта ташкил этиш, болалар ўртасида кариес ва оғиз бўшлиғи касалликларининг олдини олиш тизимини кучайтириш, поликлиникаларда стоматологик хизматни янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Очиқ мулоқот давомида тиббиётдаги мураккаб касалликлар, жумладан, жигар циррози, метаболик синдром ва бошқа сурункали касалликларга қарши курашиш масаласини тиббиёт фанлари доктори, профессор Лазиз Тўйчиев соҳадаги

энг долзарб муаммо сифатида кўтарди.

Олим ушбу касалликларни самарали даволаш ва олдини олишда тармоқлараро ҳамкорликни кучайтириш, илмий марказлар, ассоциациялар ва олий таълим муассасалари фаолиятини ягона тизим асосида мувофиқлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Олимлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш, ягона электрон илмий платформа яратиш орқали илмий муаммолар ва амалий таклифларни мунтазам жамлаб бориш ташаббусини ҳам илгари сурдилар.

Учрашувда ижтимоий ҳимояга муҳтож беморларни қўллаб-қувватлаш, электрон рецепт тизимини кенг жорий этиш, илмий даражага эга мутахассисларни моддий рағбатлантириш ҳамда хусусий тиббиёт муассасаларида битирувчилар бандлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Онкология йўналишида фаолият юритаётган мутахассислар эса кимётерапия препаратларининг нархи юқорилиги, айрим дори воситаларининг бозорда мавжуд эмаслиги ҳамда ҳудудий тиббиёт муассасаларини замонавий дори

воситалари билан таъминлашдаги муаммоларни тилга олдилар. Бу борада дори таъминоти тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Мулоқот якунида соғлиқни сақлаш вазири бугунги кунда вазирлик томонидан халқаро ташкилотлар ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлаб, илмий жамоатчилиқнинг амалий таклифлари ушбу ислохотларнинг муҳим таркибий қисми бўлишини қайд этди.

Шунингдек, вазир бугунги кунда тиббий сугурта тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш соғлиқни сақлаш тизимининг энг устувор вазифаларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашув ана бир ҳақиқатни намоён этди: тиббиёт тараққиёти фақат замонавий технологиялар билан эмас, балки олимларнинг илмий тафаккури, амалий тажрибаси ва тизимли таклифлари билан жадаллашади. Фан, таълим ва амалиёт уйғунлиги эса Янги Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим ривожланиш омилларидан бири бўлиб қолади.

Гулчеҳра МИРЗАЕВА,
журналист.

ТАЪЛИМ

ЯНГИ АВЛОД МУҲАНДИСИ ШУ ЕРДА ШАКЛЛАНАДИ

БЕЛАРУСЬ – ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШМА ТАРМОҚЛАРАРО АМАЛИЙ ТЕХНИК КВАЛИФИКАЦИЯЛАР ИНСТИТУТИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИНИ ҚАНДАЙ ЯРАТМОҚДА?

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Сайёра САИДЖАЛОВА,
Тошкент шаҳридаги Беларусь – Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, PhD, доцент.

Мазкур ёндашувнинг ёрқин намунаси сифатида Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган Беларусь–Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институтини эътироф этиш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 ноябрдаги қарори асосида ташкил этилган мазкур таълим муассасаси қисқа вақт ичида халқаро даражадаги муҳандислик таълими марказларидан бирига айланди.

Бугунги кунда институтда Беларусь миллий техника университетининг бой муҳандислик анъаналари ҳамда Янги Ўзбекистоннинг индустриал ривожланиш стратегияси ўзаро уйғунлаштирилган. Бу ерда таълим фақат аудитория машғулотлари билан чекланмайди. Талабалар замонавий лабораториялар, ишлаб чиқариш корхоналари ва реал технологик жараёнлар билан узвий боғланган ҳолда билим ва кўникмаларга эга бўлмоқдалар.

ТАЪЛИМДАН – КАСБГАЧА

Институт фаолиятининг энг муҳим жиҳати – таълим дастурлари иқтисодиёт эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилгандир.

Бугун бу ерда мамлакатнинг технологик тараққиёти учун муҳим аҳамиятага эга бўлган машинасозлик, компьютер меҳатроникаси, технологик жараёнларни автоматлаштириш, транспорт логистикаси, биомедицина муҳандислиги, интеллектуал асбоблар ва тизимлар, қурилиш, муҳандислик коммуникациялари, рақамли технологиялар, муҳандислик иқтисодиёти йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Барча таълим дастурлари ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, улар иш берувчилар билан яқин ҳамкорлик асосида амалга оширилмоқда.

Институт битирувчилари Беларусь миллий

техника университети ёки қўшма институт дипломига эга бўлишади. Бу эса уларнинг нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро меҳнат бозорида ҳам рақобатбардош мутахассис сифатида фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратади.

АМАЛИЁТ БИРИНЧИ КУРСДАН БОШЛАНАДИ

Замонавий муҳандисни ҳақиқий ишлаб чиқариш муҳитисиз тайёрлаб бўлмайди. Шунинг учун институтда дуал таълим тизими кенг жорий этилган. Унда назария ва амалиёт ягона таълим жараёнининг ажралмас қисми сифатида ташкил этилади.

Талабалар 4+1 ва 3+2 моделлари асосида таҳсил оладилар. Ҳафтанинг маълум кунларида аудитория ва лабораторияларда назарий билимларни эгалласалар, қолган вақтда корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этадилар, замонавий ускуналар билан ишлашни, технологик жараёнларни бошқаришни ва корпоратив меҳнат маданиятини амалда ўзлаштирадилар.

Бундай ёндашув ёш мутахассисларнинг иш жойига мослашиш даврини сезиларли даражада қисқартиради ҳамда уларнинг мустақил меҳнат фаолиятига тайёрглигини янада оширади.

КАФОЛАТЛИ БАНДЛИК АСОСИ

Бугунги кунда олий таълим муассасаси фаолиятининг самарадорлиги, энг аввало, унинг битирувчилари меҳнат бозорида қай даражада талабгир экани билан баҳоланади. Илгари иш берувчилар ёш мутахассисни иш жойида қайта тайёрлашга мажбур бўлган бўлса, бугун вазият мутлақо ўзгарди. Энди корхоналарга ишлаб чиқариш жараёнини яхши тушунадиган, замонавий ускуналар билан ишлаш кўникмасига эга, биринчи кунданок мустақил фаолият юрита оладиган муҳандислар зарур.

Ана шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Беларусь–Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти таълим билан ишлаб чиқариш ўртасида узвий боғлиқ тизимни шакллантиришни ўз олдига устувор вазифа қилиб қўйган.

Бугун институт мамлакатнинг етакчи саноат корхоналари билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Агар 2023 йилда ҳамкор ташкилотлар сони 22 тани ташкил этган бўлса, 2025–2026 ўқув йилига келиб уларнинг сони 56 тага етди. Бу рақамлар нафақат институтнинг ишончли ҳамкор сифатида эътироф этилаётганини, балки амалий таълим модели саноат эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бераётганини ҳам кўрсатади.

КАРЬЕРА МАРКАЗИ

Институтнинг муҳим бўғинларидан бири Карьера маркази ҳисобланади.

Марказнинг фаолияти фақат ишга жойлаштириш билан чекланмайди. Бу ерда талабаларнинг касбий ривожланишига комплекс ёндашув йўлга қўйилган. Ёшлар билан касб танлаш, шахсий ривожланиш

режасини шакллантириш, резюме тайёрлаш, суҳбатдан муваффақиятли ўтиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилади. Шунингдек, улар мамлакатнинг етакчи иш берувчилари билан мунтазам учрашувларда иштирок этадилар.

РАҚАМЛАР ГАПИРАДИ

Институтда жорий этилган таълим модели ўз самарасини аниқ кўрсаткичлар билан исботламоқда. Жумладан, 2024–2025 йиллар мониторинги натижаларига кўра, институт битирувчиларининг 78 фоизи ўқишни тугатганидан кейинги дастлабки олти ой ичида иш билан таъминланган. Бу техник таълим муассасаси учун жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади ва битирувчиларнинг меҳнат бозорида қанчалик талабгир эканини тасдиқлайди.

Шунингдек, ҳар тўрт нафар битирувчининг бири айнан дуал таълим дастури орқали доимий иш ўрнига эга бўлмоқда. Яна 15 фоизга яқин ёшлар эса магистратура босқичида таҳсилни давом эттириб, мамлакатнинг илмий салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда.

Бу натижалар таълим дастурларини мунтазам такомиллаштириш, саноат корхоналари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва амалий тайёргарликни кучайтириш борасидаги тизимли ишларнинг амалий самарасидир.

ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН БИРГА РИВОЖЛАНАЁТГАН ТАЪЛИМ

Бугун муҳандис касби тобора янги мазмун касб этмоқда. Сунъий интеллект, рақамли лойиҳалаш, робототехника, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва виртуал моделлаштириш муҳандислик фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Шу боис институт ўзининг моддий-техник базасини изчил равишда модернизация қилиб бормоқда. Замонавий CAD/CAM тизимлари, робототехника мажмуалари, метрология лабораториялари ҳамда AR/VR технологияларига асосланган ўқув муҳитини яратиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Бундай ёндашув рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган, замонавий саноатда эркин фаолият юрита оладиган юқори малакали муҳандисларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Замонавий муҳандис тайёр технологияларни қўллаш билан чекланмайди. У янги гоёларни илгари суроиди, тадқиқот олиб боради ва инновацион ечимларни яратади.

Шу мақсадда институтда илмий фаолиятни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бугун профессор-ўқитувчилар таркибининг қарийб ярмини илмий даражага эга мутахассислар ташкил этади. Илмий салоҳият 49 фоизни ташкил этаётгани, базавий докторантура (PhD) дастурларининг

йўлга қўйилгани эса муассасанинг ўз илмий мактабини шакллантириш сари қатъий интилаётганини кўрсатади.

Илмий изланишлар машинасозлик, автоматлаштириш, транспорт логистикаси, қурилиш, рақамли ишлаб чиқариш ва бошқа устувор соҳалар эҳтиёжларига йўналтирилган бўлиб, уларнинг натижалари амалиётга татбиқ этилмоқда.

ЯНГИ АВЛОД ТЕХНОПАРКИ

Институтнинг истиқболли лойиҳаларидан бири – замонавий технопарк барпо этишдир. Майдони 1500 квадрат метрдан ортиқ бўлган ушбу мажмуа таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни ягона инновацион маконда бирлаштиради.

Бу ерда метрология, меҳатроника, робототехника, рақамли моделлаштириш, CAD/CAM технологиялари, муҳандислик коммуникациялари ва қурилиш соҳалари бўйича замонавий лабораториялар ташкил этилади.

Энг муҳими, талабалар ўқиш давомидаёқ саноат корхоналарида қўлланилаётган илгор технологиялар билан ишлаш имкониятига эга бўладилар.

2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

Институт ўз олдига аниқ ва улкан мақсадларни қўйган.

2030 йилга қадар ҳар йили 500 нафардан ортиқ муҳандис тайёрлаш, камида 10 та халқаро компетенциялар марказини ташкил этиш, саноат корхоналари билан ҳар йили 10 дан зиёд қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим жараёнини тўлиқ рақамлаштириш, "Мақтаб – коллеж – олий таълим – саноат" тамойиллига асосланган узлуксиз муҳандис тайёрлаш тизимини шакллантириш режалаштирилган. Бу вазифалар мамлакатимизда юқори малакали муҳандис кадрлар тайёрлашнинг мутлақо янги босқичини бошлаб беради.

КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯ

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай давлатнинг рақобатбардошлиги, аввало, унинг инсон капиталига боғлиқ.

Замонавий муҳандисни тайёрлаш — бу алоҳида бир мутахассис тақдирига эмас, балки мамлакатнинг технологик мустақиллиги, саноат тараққиёти ва инновацион иқтисодиётига қаратилган энг муҳим сармоядир.

Беларусь – Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилаётган таълим масканларидан бирига айланиб бормоқда.

Зеро, Янги Ўзбекистоннинг эртанги тараққиёти бугун таълим олаётган билимли, ташаббускор ва замонавий фикрлайдиган муҳандислар қўлида. Уларга қиритилаётган ҳар бир сармоя – мамлакат келажагига қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

ИБРАТ

ҲАЛОЛ МЕҲНАТНИНГ РАҒБАТИ

Инсонни нима улуғлайди? Баланд мансабми ёки тўкин бойлик? Йўқ, бу дунёда инсонни фақат ва фақат пешона тери билан қилинган ҳалол меҳнат юксалтиради. Оловнинг тафти темирни эритиб, пўлатга айлантиргани каби, ҳалол меҳнат машаққатлари ҳам инсон иродасини тоблайди. Ўз ишига садоқатли бўлган, ҳаётнинг паст-баландларидан виждонини йўқотмай ўтган кексаларнинг бугун топаётган қадр-қиммати эса ҳар биримиз учун энг катта ибрат мактабидир.



Бекободлик 95 ёшли меҳнат фахрийси Ҳамид ота Андаевнинг босиб ўтган ҳаёт йўли фикримизнинг ёрқин далилидир. Ҳамид отанинг тақдири Бекободдаги металлургия комбинати билан чамбарчас боғланган. 1955 йилнинг 15 марти — ҳарбий хизматдан қайтган навқирон йигитнинг илк бор комбинатга оддий ишчи бўлиб қадам қўйган куни ханузгача унинг ёдида. Ўша куни очилган меҳнат дафтарчаси ярим асрлик машаққатли, аммо шарафли йўлнинг муқаддимаси эди. Отахон 2003 йилнинг 10 августигача яъни, нафақага чиққунига қадар шу

даргоҳда ҳалол тер тўкди.

Аммо унинг меҳнат фаолияти фақатгина қоғозда расман ниҳоясига етди, холос. Навоий ҳазратларининг “Хунарни асрабон нетгумдир охир...” деган ҳикматига амал қилган Ҳамид ота ханузгача ўз тажрибасини ёшларга ўргатиб, янги авлод металлургларига жамоатчилик асосида устозлик қилиб келмоқда.

Шу кунларда Бекободда, умуман, миллий металлургия тизимида тарихий воқеа содир бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида Ўзбекистон металлургия комбинатида Қуюв-прокатлаш мажмуаси ишга туширилди. Бир неча ўн йиллик умрини шу соҳага бағишлаган қаҳрамонимиз бундай улкан ўзгаришларни кўриб, ёшлик даврларини эсга олиб, шундай дейди: “Қани энди, тақдир мўъжизаси рўй берса-ю, эллик ёшга ёшариб, Янги Ўзбекистоннинг бугунги замонавий комбинатида яна тер тўксам...”

Отахоннинг бу орзуси бежиз эмас. Кейинги ўн йил ичида кон-металлургия соҳасини янги технологик босқичга олиб чиқиш учун 2 миллиард АҚШ доллари миқдориди хорижий сармоя жалб қилингани ва бунинг натижасида 31 та йирик ишлаб чиқариш қуввати яратилгани тизимда чинакам инқилоб ясади. Оғир ва машаққатли қўл меҳнати ўрнини бугунги кунда энг сўнги русумдаги, ақлли технологиялар эгалламоқда.

Янги Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги бу — инсон, унинг қадр-қимматидир. Иқтисодиёт тармоқлари ривож ийўлида соғлиғини, бутун умрини бағишлаган содда ва заҳматкаш инсонлар ҳеч қачон эътибордан четда қолмаяпти.

Президентимизнинг Бекободга ташрифи давомида 95 ёшли Ҳамид Андаевга юксак эҳтиром кўрсатилиб, замонавий автомобиль калитининг шахсан давлат раҳбари томонидан топширилиши нафақат отахонни, балки бутун маҳаллани тўлқинлантириб юборди.

— Уйга янги машинада кириб келганимда кўни-кўшиллар, маҳалладошлар йиғилди. Улар “Одам бир умр ҳалол ва пок ишласа, албатта қадр топиб, касбининг рағбатини шундай кўрар экан!” дея қайта-қайта такрорлашди, — дейди қувонч кўз ёшларини яшира олмай Ҳамид ота. — Бир нуроний учун бундан ортиқ бахт борми?! Меҳнатимизни шунчалик юксак қадрлагани учун Президентимиздан беҳад миннатдормиз.

Ҳақиқатан ҳам, эл-юрт хизматида сочи оқарган нуронийларимизнинг шундай қадр топиши жамиятимиздаги энг гўзал қадриятлардан биридир. Кексалари ардоқланган, ҳалол меҳнати муносиб тақдирланган юртнинг эса пойдевори пўлатдек мустаҳкам, келажаги нурафшон бўлиши шубҳасиз.

Азим АХТАМОВ.

САЛОМАТЛИК

ЖАЗИРАМА

ШУНЧАКИ НОҚУЛАЙ ОБ-ҲАВО ЭМАС

Жазирама иссиқ шунчаки ноқулай об-ҳаво эмас. У бутун дунёда инсон саломатлигига жиддий хавф туғдирмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳар йили дунё бўйича қарийб ярим миллион инсон ҳавонинг ўта исиб кетиши билан боғлиқ сабаблар оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда.

Иклим ўзгариши туфайли юртимизда ҳам аномал иссиқ кунлари тобора кўпаймоқда. Шу муносабат билан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Ўзгидромет» томонидан тез-тез огоҳлантиришлар эълон қилиниб, Соғлиқни сақлаш ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги иссиқдан сақланиш қоидаларини аҳолига мунтазам етказмоқда. Айниқса, кексалар, болалар ва сурункали касаллиги бор фуқароларга алоҳида эътибор қаратиш, куннинг энг иссиқ соатларида очиқ ҳавода юрмаслик, етарли миқдорда сув истеъмол қилиш ва соя-салқин жойларда бўлиш тавсия этилмоқда.

ХЎШ, ЖАЗИРАМА КУНЛАРНИ САЛОМАТЛИККА ЗАРАР ЕТКАЗМАСДАН ҚАНДАЙ ЎТКАЗИШ МУМКИН?

Шу савол билан мутахассисларга юзландик.

Илмира РАЗИКОВА, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Бизнинг ота-боболаримиз доимо: «Қаҳратонда ҳам, саратонда ҳам бошингдан ёпинчиңингни қўймагин», деб айтишган. Демак, доимо бошимиз омон бўлишига урғу берилган. Нега? Чунки танамиздаги барча ҳаракатларга масъул бўлган бор мия ҳар томонлама химояга муҳтож. Уни ҳам совуқдан, ҳам иссиқдан химоялаш учун, албатта, бош кийим назарда тутилган. Жумладан, ёзда қуёш тигида узоқ вақт бош яланг ва баданни химоя қилмаган ҳолда қолиш офтоб уришига сабаб бўлади. Офтоб уриши организмнинг умумий қизиб кетишига ҳамда тана ҳароратини меъёрга ушлаб туриш қобилятининг бузилишига олиб келади. Натижада кучли бош айланиши, бош оғриғи, кўнгил айниши юзага келади. Терлаш тўхтайдиган, тери қуруқлашиб, қизаради. Юрак кучли ва тез уради. Ўткир нафас қисиш, ҳатто чуқур беҳушлик ҳолати юзага келиши мумкин.

Бундай пайтда, энг аввало, одамни салқин жойга кўчириш лозим. Кийимларини бўшатиб ёки ечиб, юзини совуқ сув билан ювиш ва ҳўлланган матони юрак соҳасига қўйиш керак. Қолаверса, унга салқин ичимлик ёки қатиқ ичириш ва зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш зарур. Ёзнинг жазирама кунларида қуёш нури тўғридан-тўғри тушиб турган очиқ жойларда бўлмаслик лозим. Айниқса, қуёш фаоллиги юқори бўлган соатларда — 12:00 дан 16:00 гача эҳтиёт бўлиш керак. Ҳимояловчи кремлар, қуёш кўзойнаклари ҳамда соябонлардан фойдаланиш тавсия этилади. Чўмилгандан кейин қуёшда тобланишнинг давомийлиги 15–20 дақиқадан ошмаслиги зарур. Сайрга чиқаётганда пахта толали табиий матодан тикилган оч рангли либослар ҳамда ҳаво ўтказувчи бош кийим кийиш зарур. Чунки улар бош мияни ультрабинафша нурлар таъсиридан химоя қилишга ёрдам беради.

Дилназов БЕРДИЕВА, нутрициолог, биохимик, биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент:

— Ёзнинг жазирама кунларида, айниқса, кексалар организми терлаш орқали кўп миқдорда суюқлик йўқотади. Агар йўқотилган суюқлик ўз вақтида қопланмаса, қон плазмасининг ҳажми камаяди ва қон нисбатан қуюқлашади. Бу ҳолат қон ивиши хавфини ошириб, юрак хуружи, инсульт ва тромбоз каби оғир асоратлар ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун иссиқ кунларда айниқса, кексалар етарли миқдорда сув ичишга алоҳида эътибор беришлари зарур. Агар юрак ёки буйрак касаллиги туфайли шифокор суюқлик истеъмолини чеклаган бўлса, сув миқдори фақат унинг тавсиясига мувофиқ белгиланади.

Бундан ташқари, куннинг энг иссиқ соатларида қуёш остида узоқ қолмаслик, спиртли ичимликлар ҳамда ортиқча ширин ичимликларни чеклаш, ҳар куни камида 30 дақиқа пийёда юриш каби енгил жисмоний фаоллик билан шуғулланиш ҳамда узоқ вақт бир жойда ўтириб ёки ётиб қолмаслик муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, 65 ёшдан ошганлар, юрак-қон томир касалликлари, қандли диабет ёки аввал тромбозни бошдан кечирган фуқаролар ёз мавсумида ўз саломатлигига янада масъулият билан ёндашишлари лозим.

Ёз ойларида овқатланиш қоидаларига риоя қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жазирама ҳавода кўпинча инсон

организмида сув-туз алмашинуви бузилади, терлаш кучаяди. Бунинг натижасида муҳим витаминлар ва минерал моддалар йўқотилади. Тўғри овқатланиш нафақат танани иссиқдан асрайди, балки уни сув ва фойдали микроэлементлар билан ҳам таъминлайди. Шунингдек, сувсизланиш, офтоб уриши ва бошқа кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Шу боис ёз кунлари таомномага кўпроқ ҳўл мевалар, хом сабзавотлар ҳамда улардан тайёрланган салатларни киритиш лозим. Чунки бу маҳсулотларнинг аксарияти чанқоқни қондиради ва организмни зарур минерал моддалар ҳамда витаминлар билан таъминлайди. Енгил ҳазм бўладиган таомларни истеъмол қилиш, организмни ортиқча зўриқтирмаслик керак.

Мева шарбатлари ичида ўрик шарбати энг фойдали ҳисобланади. Ҳўл мевалардан тайёрланган шарбатларга имкони борича шакар қўшмаслик лозим. Шафтоли, тарвуз, олхўри ҳамда ялғиз ва лимон қўшилган компотлар қон босимини пасайтириши мумкин. Бунинг олдини олиш учун кам миқдорда новвот ёки асал қўшилган қора чой ичиб туриш тавсия этилади.

Нилуфар МИРЗАЕВА, психолог:

— Юқори ҳарорат нафақат организмга, балки инсоннинг руҳий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади. Иссиқ кунларда асабийлашиш, тез чарчаш, диққатнинг пасайиши ва уйқу бузилиши кузатилади. Шунинг учун имкони борича салқин жойларда, сув бўйларида дам олиш, етарлича ҳордиқ чиқариш ҳамда ортиқча асабийлаштирувчи ахборотлардан биров узоқроқ бўлиш керак.

Ачинарли воқеалар баъзан бизга энг катта сабоқ беради. Ўтган йили танишларимдан бири — кекса аёлнинг жазирама кунларда вафот этгани ҳақида эшитдим. У яшаган хонадонда салқинлаштириш имкониятлари етарли эмас эди. Бу ҳолат иссиқ кунларда, айниқса, кексаларнинг яшаш шароити ва саломатлигига янада эътиборли бўлишимиз кераклигини аңглатади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёзнинг иссиқ кунларида, энг аввало, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, зарарли одатларни чеклаш, қуёш нуридан химояланишнинг барча чораларини кўриш лозим.

Ҳилола ИБРОҲИМОВА, журналист.

МУТОЛАА БЕКАТИ



Иброҳим ҒАФУРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони

ТАҲРИРИЯТДАН: Атоқли мунаққид, таржимон ва адиб Иброҳим Ғафуров миллий адабиётимизнинг улкан вакилларидан. У ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларидан эътиборан адабий танқидчиликда ўзига хос мактаб яратди. Бадийий таржима соҳасида эса “Ғафуров феномени” алоҳида ўрин тутди. У ўзбек китобхонини дунё адабиётининг Жойс, Достоевский, Хемингуэй, Фолкнер, Флобер, Маркес, Айтматов каби сўз санъаткорларининг дурдона асарлари билан таништирди. Заҳматкаш таржимон, жонкуяр публицист, адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган, қатор давлат мукофотлари билан тақдирланган Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров шу йилнинг 6 июнь куни 89 ёшида вафот этди.

КЎНГИЛ БИТИКЛАРИ

Адаб — одамлиқнинг ўзаги. Балки одамлиқнинг бари бошдан – охир адабдан иборат. Адабнинг илғи эса — ҳаё. Илик қуриган ерда ҳаё бўлмайди. Ҳаёни ор-номус, ҳамият, орият, шаън, уят сингари тушунчалар қаторига қўямиз. Буларнинг бир-бирларидан сира ажратиб бўлмайдиган томонлари, жиҳатлари бўлганидек, жуда нозик маънавий ўзига хосликлари ҳам халқ ичида фарқ қилинади.

Уят — жуда қадимдан келаётган туркий ўзбакий сўз ва тушунча. У ёпиш, паналаш маъноларини аңглатади. Уй, уя — панажой, одамнинг бошини, бошинигина эмас, бутун вужуд борлиғини оламнинг хавф-хатарли хаводисларидан муҳофаза қилади. Уят — туркийча, ҳаё — арабийча, шарм — форсийча келиб чиқишга эга. Руслар бу тушунчаларни «стид», «срам» сўзлари билан ифодалашади.

Айтгим келади: номусни дарахтдан ўрганинг! Қаранг, у ҳаёт шарбатлари югураётган танасини қандай парда қобиқ билан ўрайди. Бир жойи кесилса, дарҳол шу кесилган ўринни қобиқ билан беркита бошлайди.

Табиатда ҳаё ҳукмрон. Яшаш зарурати шуни тақозо қилади.

Ислон яратган улуғ илоҳий Китоб “Ота-онангнинг бетига қараб уф тортма, уҳ дема, улар сени кичикликдан тарбият қилдилар, дунёга келтирдилар. Сенинг уф тортишинг уларни адоий тамом қилади. Биз боламизга қаноатли ҳаёт беролмабмиз-да, деб ўқинтиради”, дейди. Мана шу ота-она юзига тик қараб уф тортиш — ҳаёсизлик, уҳ тортмаслик, ичингдан қиринди ўтаётган ҳолда ҳам буни билдирмаслик, бу — ҳаё. Тўғрироғи, ҳаёнинг ибтидоси. Узум гуллаганини кўрганмисиз? Илк ҳаё ана шу узумнинг гули. У ҳали ширин узум эмас, лекин усиз ширин узум ҳеч қачон етилмайди. Мард одамнинг мардлиги ҳам, қаҳрамон одамнинг қаҳрамонлигида ҳам шундай ҳаё гули мавжуд. Ҳаё бўлмаса, ботирлик бўлмайди.

Сукротнинг умри доим турли фалсафий баҳсларда кечарди. У ёшларни ориф ва оқил, замонадан анча илгарилаб яшашга ўргатарди. Кўп ҳолларда ўз ҳақлигини билгани учун қаттиқ қизишиб кетарди. Баъзи ўзини билмаганлар аламнинг зўридан уни тепиб, уриб-сўкиб юборишарди. Сукрот эса қулиб тураверарди. «Нега сизни тепган кишига муносиб жавобини бермайсиз?» — деб сўрашса, Сукрот: «Эшак мени тепса, нима, эшакни қозига етаклашим керакми?!» — дерди. Ҳеч қачон ҳақоратга ҳақорат билан жавоб қилмасди. Бу Сукротнинг қўрқоқлиги эмас, унинг буюк инсоний ҳаё эгаси бўлганлигидан эди. Ҳаё кимсанинг шаънини ерга уришга, топташга сира йўл қўймасди.

ОЧИҚЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

ОЛТИ ОЙДА ЮРТИМИЗДАГИ
МАҲАЛЛАЛАРНИНГ 64 ФОИЗИДА
ЖИНОЯТ ЮЗ БЕРМАДИ

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ўғирлик, фирибгарлик, босқинчилик, талончилик, қотиллик каби жиноятлар сонига сезиларли камайишга эришилди. Бу ҳақида Ички ишлар вазирлиги томонидан “Очиқлик ва халқ билан мулоқот – асосий мезон: ички ишлар органлари фаолияти юзасидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича таҳлилий ҳисобот” мавзuida ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Анжуманда биринчи ярим йилликда мамлакатимизда ички ишлар тизимидаги ходимларнинг ташаббуси билан 19 минг 755 та жиноят аниқлангани қайд этилди. – Тезкор тузилмалар ва саф бўлинмалари томонидан тергов ва суд органларидан яширинган 5 минг 10 нафар шахс қўлга олиниб, жазо муқаррарлиги таъминланган бўлса, 2 минг 633 нафар бедарак йўқолганлар топилиб, оиласи бағрига қайтарилди ва турли нохуш ҳолатлар бартараф этилди, – дейди ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Рамазон Ашропов. – Эътиборли жиҳати, ўтган олти ойда мамлакатимизда 5 минг 778 та маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Бу юртимиздаги жами маҳаллаларнинг 64 фоизини ташкил қилади. Шу билан бирга жиноят қайд этилган маҳаллаларнинг 2 минг 738 таси (30,4 фоиз) “сарик”, 476 таси (5,3 фоиз) “қизил” тоифага киритилди. Шу ўринда айтиш керакки, соҳа ходимларининг тезкорлиги, замонавий технологиялар ҳамда фуқароларимизнинг фаоллиги натижасида жиноятларнинг аниқланиш кўрсаткичи 31,4 фоизга яхшиланди.

Бундан ташқари, аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандликдан муҳофаза қилиш, наркотиноятларга қарши курашиш йўналишида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тезкор тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада гиёҳвандлик воситаси ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 8 минг 653 та жиноят иши қўзғатилиб, Тошкент вилояти ва пойтахтимиз, Сирдарё, Наманган ҳамда Андижон вилоятларида жами 16 та гиёҳвандлик ва психотроп моддаларини ишлаб чиқарувчи нарколаборатория ҳамда қўлда



қадоқлаш цехлари аниқланиб, уларнинг ноқонуний ҳаракатларига чек қўйилди.

Вазирлик тизимида ярим йил давомида 200 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган ва уларнинг 87 фоизи қаноатлантирилган. Ҳудудий ички ишлар органларига келиб тушган 184 минг 393 та мурожаатнинг 146 минг 170 таси ижобий ҳал қилиниб, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари таъминланган бўлса, 14 минг 623 таси бўйича малакали ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Тизимда коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 136 та ҳолатда ходимлар фуқаролар томонидан тақлиф этилган порани рад этиб, қонуний чора куриш учун тегишли тартибда

мурожаат қилган. Бу каби ҳалол, бурчига садоқатли, виждонли, ватан тинчлиги учун жонини фидо қилишга тайёр ходимлар ички ишлар тизимида кўплиги айна муддао.

Анжуманда ахборот технологиялари ёрдамида содир этилаётган жиноятлар ҳам асосий муаммолардан бирига айлангани таъкидланди. Маълумотларга кўра, январь-июнь ойларида мамлакатда ушбу йўналишда 41 мингдан ортиқ жиноят содир этилган ва бунинг 93 фоизи фуқароларнинг пул маблағларини электрон тўлов тизимлари орқали қўлга киритиш билан боғлиқдир.

Ҳисобот даврида 9 минг 282 та кибержиноят фош этилиб, 13 мингдан ортиқ фуқарога етказилган 120 миллиард 496 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар қайтарилган. Қолаверса, Марказий банк билан ҳамкорликда яратилган махсус тизим орқали келиб тушган аризалар асосида айна вақтнинг ўзида банк картасидан ўзлаштирилган пулларни тўхтатиш (блоклаш) механизми йўлга қўйилгани натижасида 29 триллион сўмнинг ноқонуний четга чиқиб кетишининг олди олинди.

Шунингдек, тадбир давомида “Хавфсиз ва соғлом юрт” кенг қўламли тезкор профилактик тадбирларининг дастлабки ўн кунига амалга оширилган ишлар, аниқланган жиноятлар, уюшган жиноий гуруҳ ва шахслардан олинган гиёҳвандлик моддалари ва ноқонуний қуроллар ҳақида маълумот берувчи видеоролик намойиш этилди.

Ўзаро самимий мулоқот шаклида ўтган анжуманни ички ишлар органларида очиқликни таъминлаш йўлидаги амалий ҳаракатларнинг ёрқин намунаси дейиш мумкин.

“

ЎЗАРО САМИИЙ
МУЛОҚОТ ШАКЛИДА
ЎТГАН АНЖУМАНИ
ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИДА
ОЧИҚЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ
ЙЎЛИДАГИ АМАЛИЙ
ҲАРАКАТЛАРНИНГ
ЁРҚИН НАМУНАСИ
ДЕЙИШ МУМКИН.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

ЭЪЛОН

2026 йил 12 август кuni соат 11-00 да Тўрткўл тумани «Уллубоғ» ОФЙ 6-бўлимида жойлашган "Тўрткўлдонмахсулоти" масъулияти чекланган жамияти биносида жамиятнинг 2025 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича таъсисчиларининг умумий йиғилиши ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

- Жамиятнинг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
- Жамият ижро органининг 2025 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолияти бўйича “Бизнес-режа”нинг асосий кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисида.
- Жамиятнинг ташқи аудит аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2025 йил молия-хўжалик фаолиятини ҳамда молия-хўжалик фаолиятини

- миллий аудит стандартларига асосан ўтказилган аудиторлик текшируви ва хулосаларини тасдиқлаш тўғрисида.
- Жамиятнинг 2025 йил учун бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоботларини тасдиқлаш тўғрисида.
 - Соф фойдани тақсимлаш ва унинг бир қисмини дивидентларга йўналтириш.
 - Жамият директори билан тузилган меҳнат шартномасини 1 йил муддатга узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш тўғрисида.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 11 июндаги 304-сонли қарорининг 6-бандига асосан, “Тўрткўлдонмахсулоти” МЧЖ томонидан харид қилинган уруғлик бўғдой ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун корхонага хизмат кўрсатувчи тижорат банки сўғурта полиси асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 50 фоиз миқдорида 12 ой муддатга (шундай 6 ой имтиёзли давр билан) 4,650 млрд. сўм миқдорида кредит олиш масаласини кўриб чиқиш.

Манзил: Қоракалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, «Уллубоғ» ОФЙ. "Тўрткўлдонмахсулоти" МЧЖ маъмурий биноси.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ХАВФСИЗ ВА СОҒЛОМ ЮРТ

ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТ
ХИЗМАТИДА ФУҚАРО
МАНФААТИ УСТУВОР

Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган “Хавфсиз ва соғлом юрт” тамойили фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда давлат хизматлари сифатини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу ислохотларнинг мантикий давоми сифатида соҳага оид қонунчилик ҳам изчил такомиллаштирилмоқда. Хусусан, янги қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги қонун миграция ва персоналлаштириш соҳасида мутлақо янги ёндашувларни жорий этди.



Мазкур қонун мамлакатимизда яшаётган ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқини кафолатлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Энг муҳими, ортиқча қоғозбозлик, бюрократик тўсиқлар ҳамда аҳолининг сарсон бўлишига олиб келувчи қатор муаммолар бартараф этилди.

Қонуннинг асосий мақсади давлат хизматларини соддалаштириш, барча жараёнларни рақамлаштириш ва мурожаатларни қисқа муддатларда кўриб чиқишдан иборат.

Янги тартибга мувофиқ, рўйхатдан ўтиш жараёнлари замонавий ахборот технологиялари билан интеграция қилинди. Бу нафақат юртдошларимиз, балки мамлакатимизга келаётган чет эл фуқаролари учун ҳам тезкор, шаффоф ва халқаро стандартларга мос хизмат кўрсатиш имконини яратди.

Ушбу қонунчилик талабларини ҳаётга самарали татбиқ этиш борасида жойларда тизимли ишлар йўлга қўйилди. Жумладан, буни пойтахтимизнинг йирик ва аҳоли гавжум ҳудудларидан бири бўлган Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳузуридаги миграция ва персоналлаштириш бўлими мисолида кўришимиз мумкин.

Бўлимимиз томонидан қуйидаги устувор йўналишларда ишлар амалга оширилмоқда. Биринчидан, мурожаатчиларнинг вақтини тежаш мақсадида электрон навбат тизими ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аризаларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

Иккинчидан, биометрик маълумотларни тезкор олиш ва ҳужжатларни қисқа муддатда тайёрлаш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган.

Учинчидан, туманга келаётган инвесторлар, туристлар ва меҳмонларга визалар ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтиш ҳужжатларини расмийлаштиришда юқори даражадаги хизматлар тақдим этилмоқда.

Бугун соҳада "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак" деган тамойил амалда ўз ифодасини топмоқда. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини ҳис қилган ҳолда, фаолиятимизда қонунийлик, холислик ва инсон манфаатларини устувор қўйиш асосий вазифамиз ҳисобланади.

“Хавфсиз ва соғлом юрт” — бу шунчаки шиор эмас, балки ҳар бир давлат хизматчиси зиммасидаги юксак масъулиятдир. Давлат хизматлари сифатини мунтазам ошириш, аҳолига янада қулай ва самарали хизмат кўрсатиш, инсон қадрини улуғлаш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Зеро, халқнинг давлат идораларига бўлган ишончи ва амалга оширилаётган ислохотлардан розилиги мамлакатимиз тараққиёти ва барқарорлигининг энг муҳим кафолатидир.

Шерзод АЛИҚУЛОВ,
Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ
миграция ва персоналлаштириш бўлими катта инспектори.

Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси университет ректори Гулчехра Рихсиевага онаси **НОРПОША онанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

МУАССИС:



О'ЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston Ovozi
ТАНҲРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 737. 3715 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda